

“ИЧАН-ҚАЛЪА” ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИДАГИ “ҚОЗИХАТЛАР”.

*“Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси
“Хукмдор ва шоир” бўлими
бўлим мудири: Ташпулатова Дилфуза*

Аннотация: Ушбу мақолада “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси фондида сақланиб келаётган қозихатлар ёритилади.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, қози, қозихат – васиқалар, вақф, ижара-гаров ҳужжатлари, олди-сотди ҳужжатлари, мол-мулк, “Настаълик” ва “Райхоний” ёзувлари.

Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари ўзининг муаззам меъморий обидалари билан машҳур. Булар – Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Шаҳрисабз. Ушбу шаҳарлар ичида Хива шаҳри, айниқса унинг Ичан қалъаси (ичкари қалъаси) ўзининг яхлит ҳолида сақланиб қолгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда «Очиқ осмон остидаги музейшаҳар» деб тан олинган бу шаҳар жаҳон туризмнинг марказларидан бирига айланган.

«Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси таркибида 15 та доимий экспозициялар мавжуд бўлиб, уларнинг фондида Хоразмнинг қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган бой тарихини акс эттирувчи 60 000 зиёд экспонат тўпланган¹.

Музейнинг ноёб қўлёзма китоблари ва ҳужжатлари тўпламида 6 000 дан ортиқ экспонатлар мавжуд.

Музей фондига жамланган икки мингга яқин қози ҳужжатларини, жумладан, шундай турларга бўлиш мумкин:

1. Икки шахс орасидаги қарздорлик ва уни ўз вақтида тўлашлик ҳақида.
2. Ўз мулкани шартли равишда сотиб, яна ўзи ижарага қайтариб олиши ҳақидаги ижара-гаров ҳужжатлари.
3. Узил-кесил олди-сотди ҳужжатлари. Бунда сотувчи вояга етмаган бўлса ишончли вакил орқали амалга оширади.
4. Эркак аёлини нафақа ва маҳр (куёвнинг келинга берадиган нақд пули, қалин. Бунинг ярми тўйдан кейин берилган)ини бериш (тўлаш) шарти билан ажрим тўғрисида. Талок, яъни хотинига икки маҳр ва нафақа бериш шарти билан ажралиш ҳақидаги ҳужжат.
5. Қул чўрининг озод этилгани тўғрисида,

¹ «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси тўплами. Тошкент 2021. 14- бет.

6. Кул эгаси кулига мен ўлганимдан кейин озодсан, ҳеч кимга мерос эмассан, деб қўлига берилган ҳужжат.
7. Кул эгаси кулини пул эвазига озод қилганлиги ҳақида.
8. Бир шахс билан иккинчи бир шахс ўртасидаги ишларни ҳал қилиш учун вакил тайинлаш ҳақида.
9. Васий хати, яъни вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларга мерос қолган мол-мулкка болалар вояга етгунча қараб туришни ўз зиммасига олган шахс, маънавий ота тўғрисида.
10. Нафақа, яъни алимент, турмуш кечириш учун қилинган харажатлар.
11. Хатти мерос, яъни ота-онадан қолган мол-мулк тақсимооти ҳақида.
12. Хатти музориба, бунда бир томон сармоя киритади, иккинчи томон ўз меҳнати билан бу сармойани кўпайтиради.
13. Кафили зар. Бунда қарздор шахсни кафил ўз вақтида топиб бериши ёки унинг қарзини ўзи тўлашини бўйнига олади.

Ушбу бир қисми айтилган қозихатларнинг турларидан Хива хонлигининг XIX асрдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиш учун қанча кўп маълумотлар олиш мумкин эканлигини тасаввур қилиш мумкин. Энди битта қозихатнинг мисолида улар қандай қоида асосида ёзилганини кўрамиз.

Н/в № 2678/11. Гаровга қўйиш. 16.05.1918 й.

Тарихи ҳижрий минг уч юз доғи ўттиз олтида моҳи шаъбоннинг олтисида иқрори мўътабари шаръи қилди, Оллаберган маноқли Божбоннинг қавмидин бугдой ранг, очуқ қош, ўрта бўй, чала соқол олтмиш уч яшар валад Муҳаммадмурод валад Элтузар бу жумлага-ки, сотдим баъи жоизи шаръи била (рухсат этилган олди-сотди) домулла Муҳаммадюсуф маҳдум валад Отахон эшон марҳумига хамаги ва тамоми тахминан бир таноб еримники койинадур, мазкур қавмда, ҳудуди: шарқи захкаш, шимоли сўқмоқ, зарби Абдолниёз ва жануби мақари ҳазо. Барча ҳуқуқи ва марофиқи била маблағи икки юз тилла ҳар бири тўққиз танга роижга тақобуз бадалин бўлди ва изн бердим нафъи олурга бу ваъда била-ки, ҳар вақт маблағи мазкурни берганда сотилган ерни қайтиб берур ва ундан ижарага олдим мазкур ерни ҳар олти ойига ўн беш тилла бериш шарти билан. Иқрор қилди: унинг ўз ўғли мазкур қавмдин Хўжаниёз бугдой ранг, очуқ қош, ўрта бўй, қора соқол ўттиз ёшар мунга кафил зар бўлдим. Гувоҳлар: Муҳаммадшариф ва Рўзмамад. Котиб: мулла Раҳмонберган. Мухр: 1. Қозийи ва раиси Маноқ Абдулғафур маҳдум ибн қози Муҳаммадсолиҳ охунд марҳуми 1333. 2. Қозийи ва раиси Маноқ домулла Жумамурод ибн Муҳаммадсафо 1336².

Қозилар – шариятда судья вазифасини бажарувчи мансабдор шахс хисобланган. Шунингдек улар, ҳозирги нотариус вазифасини ҳам ўтаганлар.

² «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси тўплами. Тошкент 2021. 123- бет.

Олди – сотди ёки васийликка доир ҳужжатларни, васиятнинг бажарилиши, мерос тақсимотига тегишли ишларни амалга оширганлар. Вақф яъни ҳайрия ишлари ҳам қозиларни назоратида бўлган. Ўша даврларда кўпгина судлов ишлари қозиларни уйларида, бозор кунлари эса бозорларда кўриб чиқилган. Васиятнома, мерос тақсимотига тегишли ишларни ва олди – сотди каби ишларни қозихатлар орқали амалга оширганлар. Қозиларнинг ҳукми қатъий бўлиб, улар устидан фақат хон ёки амирга шикоят қилинган.

Қозихат – васиқалар Хива хонлиги девонхонасидаги ёзма ишлар ўзбек тилида олиб борилганлиги, қозиларнинг иш юритиш усули, шариат қонунларининг амалдаги ўрни, хонликдаги ер ва унга эгалик қилиш, мол-мулкларнинг олди-сотди, гаров, ижарага бериш ёки вақф қилиш усуллари, жисмоний шахсларнинг турли даъво ва аризаларининг кўриб чиқилиши, оила ва никоҳ масалаларининг кўп қирраларини ўрганишда муҳим маълумотлар беради³

2019 йилда илмий изланишлар жараёнида “Элакчилик” маҳалласида жойлашган Шайхназарбойнинг ховлисидан 49 та қозихатлар ва 3 та хон ёрлиқлари топилган.

Қозихатларни ва хон ёрлиқларини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики Шайхназарбой ўғли Муҳаммад Мурод девонбегининг 1281х.й (1864м.й) даги тузилган олди – сотди қозихатида “Кўҳна қалъа” ичидаги 700 газ ер майдони ичида уйлари билан 1500 тилло эвазига сотилгани билан хайратланганди.

Қадимий Хива заминида шундай катта мулкдорлар бор эканлиги, бу Хива халқининг иқтисодий ҳаёти азалдан салоҳиятли эканлигини кўрсатади.

Ушбу қозихатлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, улар ўз ҳужжатларини оддий қоғозларга эмас, балки жуда сифатли ишланган қоғозларга Самарқанд ва Россияда ишланган қимматбаҳо қоғозларга ўзининг фатво хатларини таълиф қилганлар.

Ёзувларни аксари ўша даврда Марказий Осиёдаги энг хуснихат бўлган ёзув, ўқилиши осон бўлганлиги учун “Настаълиқ” ва “Райхоний” ёзувларида қора сиёҳдан фойдаланган холда олиб борилган. Чунки бу ёзувни оддий фуқаролар ҳам ўқиб тушуниши мумкин эди.

Ўша пайтда думалок, элипс, тожсимон ва турли шакллардаги муҳрлардан фойдаланилган, ўша қимматбаҳо қоғозларнинг чекка қисмига, қоғознинг тепа ўнг қисмларига рақамлашлик билан кифояланганлар. У ҳозирги давримиздаги штамп вазифасини ўтаган.

Қозихатларда қайси ҳужжат бўлишлигидан қатъий назар, олди – сотди, мерос ёки мулкни тақсимлашликдан иборат бўлсин, камида иккита ёки учта

³ Хива давлат “Ичан-Қалъа” тарихий-меъморий музей-кўриқхонаси жамланмаси “Каталоги” Тошкент 2006. 13-бет

гувоҳлар исмлари билан келтирилади. Шу билан бирга қози ноибларининг исмлари ҳам аксар ҳолларда муҳр ичига қозининг номидан кейин ёзилиб таълиф қилинган.

1. Қозихат. Олди –сотди ҳақида 1281х.й.1864 мелодий. 6-шаввол
Кутлугмуродбой валад Худойназар махрам 700 газ ерини ичида уйлари билан 1500 тиллога Муҳаммад Мурод девонбеги валад Шайхназарбойга сотган .Думалок муҳр билан тасдиқланган.
Муҳр.Абдурахим ибн Муҳаммад Шариф
17 катор
Сакланиши. Саргайган, букланган
Хати – настаълик, туркий тилда.
2. Қози хат. Олди- сотди ҳақида. 1281х.й. 1864 мелодий. Шаббон ойи
Муҳаммад Ниёзбой валади Муҳаммад Раҳимбой уз отаси Муҳаммад Раҳимбой тарафидан вакил этилган. 250 таноб ерини Абдуллох меҳтар валади Гойибназар огага 700 тиллога сотган.
Катор 14
Муҳр думалак шаклда. Абдурахим ибн Муҳаммад Шариф.
Хати настаълик, туркий
Сакланиши. Саргайган букланган.
3. Қози хат.1321х.й. 1903 мелодий. Зулқаъдани 21 Ер кадастр тугрисида.
Муҳаммад Хусайнбой ва Омонгалди бойлар тарафларидан бир неча булак ерлар чегараланиб ҳужжатлаштирилгани ҳақида
Катор. 22
Муҳр 2та эллипс шаклида 1.Муҳаммад Хусайн девонбеги 2. Омонгалди ибн Муҳаммад Мурод девонбеги.
Хати настаълик, туркий
Сакланиши. Букланган саргайган.
4. Қози хат 1331х.й. 1912 мелодий. Аваз юзбоши валад Худайкули ва Пахлавон валад хужа Келди ва яна бир неча кишилар 40 таноб ерни Шайхназар ясовулбоши валад Муҳаммад Мурод Девонбегидан 3 йил муддатга 60 тилло эвазига ижарага олганлар
Катор. 10
Муҳр думалок Қози Олло ибн Султон марҳумий
Хати настаълик, туркий
Сакланиши Букланган

5. Қози хат. 1307х.й. 1889 мелодий. Сафарни 28 Тошховуз мавзеида жойлашган Абдулқодирбек валад Тогай мероб 20 таноб ерини Мухаммад мурод Девонбеги валад Шайхназар ога га 150 тиллога сотган Катор 10
Мухр думалоқ Кози Мухаммад ибн Мухаммад Мусо Хужа
Хати настаълик, туркий
Сакланиши. Букланган, саргайган.

Қозихатларни “Ичан - Қалъа” Давлат музей кўриқхонаси Фонд илмий ходимлари Сиддиқов Ғ. Полванов Ж таржима қилишди.

Ушбу ҳужжатлар ўтмишимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисида ҳаққоний хулосалар чиқариб, тарихий шахсларнинг исм-шарифлари, географик жой номлари ва уларнинг жойлашган ўрни, солиқ турлари, муомалада бўлган пуллар ва мулк баҳоси, ўлчов бирлиги, давлат тузилиши, тили ва қонунчилигига оид бўлган бирқанча маълумотларни ўрганишга асос бўлади. Ўзбек давлатчилиги ва давлат бошқаруви тарихини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ана шу ҳужжатларни чуқур ўрганиш асосидагина мукамал бўлиши мумкин. Бу ҳужжатлардаги айрим унут бўлган ва шевамизга хос атамалар эса чуқур ўрганилишини талаб қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Эльёр Каримов “Регисты казийских документов и ханских йарлыков хивинского ханства XVII – начала XX в”.
2. Хива давлат “Ичан-Қалъа” тарихий-меъморий музей-кўриқхонаси жамланмаси “Каталоги” Тошкент 2006.
3. «Ичан-Қалъа» давлат музей-кўриқхонаси тўплами. Тошкент 2021.